

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2026 йил апрель ойининг 7 куни, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: А.Рахимов, ҳайъат судьялари: Д.Хонбўтаева ва Ф.Рахмановдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Йўлдошовнинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори Б.Давронов, маҳкум Е.Давлетовнинг ҳимоячиси-адвокат И.Норовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2024 йил 8 октябрдаги ҳукми ҳамда Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 12 январдаги ажрими устидан маҳкум Е.Давлетов томонидан келтирилган шикоят асосида жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2024 йил 8 октябрдаги ҳукмига кўра:

1989 йил 28 декабрда Навоий шаҳрида туғилган, татар, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, Кармана тумани “Каттамачит” маҳалласи “Мичурин” БУШ “Вишнёвая” кўчаси 1-уйда яшаган, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва суд қарорлари нусхаларини қонунда назарда тутилган муддатда олган - Давлетов Евгений Олегович (Davletov Yevgeniy Olegovich)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 8-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, шу модда билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 12 январдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, маҳкум Е.Давлетов 2024 йилнинг 08 март куни соат 16-00ларда Кармана тумани “Каттамачит” маҳалла фуқаролар йиғини “Мичурин” БУШ дала ҳовлиларида жойлашган “Вишневая” кўчаси 1-уйда спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолатда ўзи билан бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келаётган умумий икки нафар фарзандга эга бўлган турмуш ўртоғи Копкина Олеся Андреевна билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро



оилавий келишмовчиликлар сабабли уришиб жанжаллашиб қолиб, қасддан хотинини танасининг турли жойларига қўллари ва оёқлари билан уриб, тепиб, оғир турдаги тан жароҳати етказиши оқибатида турмуш ўртоғи Копкина Олеся Андреевна яшаш хонадониди вафот этган.

Марҳум О.Копкинанинг ўлимига РСТЭИАМ НФ Кармана туман бўлинмаси томонидан 01.04.2024 йилда берилган 12-сонли судга (мурда) оид тиббий экспертиза хулосасига кўра “қорин тўмтоқ травмаси, ичак тутқич артерияси шохчаларининг жароҳатланиши натижасида юзага келган қорин бўшлиғига кўп миқдорда (1200 мл) ички қон кетиши” сабаб бўлганлиги аниқланган.

Маҳкум Е.Давлетов томонидан келтирилган тафтиш шикоятда, айбсизлиги баён қилинмаган ҳолда ўзига тегишли хулоса чиқарганини маълум қилиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, жазони енгиллаштириш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича раислик қилувчи Ф.Рахмановнинг маърузасини, прокурор Б.Давроновнинг суд қарорларини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат И.Норовнинг тафтиш тартибиди келтирилган шикоятни қаноатлантириб, суд қарорларини ўзгартириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тафтиш шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра биринчи инстанция судининг ҳукми ва кассация инстанцияси ажримини ўзгаришсиз, тафтиш тартибиди берилган шикоятни эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Маҳкум Е.Давлетовнинг айби, ўзининг айбига қисман иқрорлик билдирган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсани олиш ва кўздан кечириш тўғрисидаги баённома ва фотосуратлар, РСТЭИАМ НФ Кармана туман бўлинмаси томонидан 01.04.2024 йилда берилган 12-сонли судга (мурда) оид тиббий экспертиза хулосаси, Кармана туман ИИБ Эксперт – криминалистика гуруҳининг 2024 йил 21 мартдаги 21-сонли суд – дактилоскопик экспертиза хулосаси, гувоҳлантириш тўғрисидаги баённома, 12.03.2024 йилдаги суд-кимё экспертизаси хулосаси, 29.04.2024 йилдаги 43-сонли судга оид психиатрик экспертизаси хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Суд, содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган Е.Давлетовнинг эълон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келган ва унинг ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 8-қисми “г” банди билан тўғри квалификация қилган.

Суд, жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддасида назарда тутилган, давлат органлари томонидан инсонга қаратаган қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига



асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги ҳақидаги, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя қилиб, Е.Давлетовнинг айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни маст ҳолатда содир этганлигини ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унга у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келган.

Ўз навбатида, кассация инстанцияси суди томонидан ҳам илгариги важларига ҳар томонлама ва атрофлича баҳо берилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асосли хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴-моддасига кўра, тафтиш инстанцияси ишни кўриб чиқиб, биринчи инстанция, кассация ёки кассация инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгаришсиз қолдириш, тафтиш тартибида берилган шикоятни, протестни эса қаноатлантirmасдан қолдиришга ҳақлидир.

Шу сабабли тафтиш инстанцияси суди, суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, Е.Давлетовга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибида келтирилган шикоятни қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосланиб, тафтиш инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Маҳкум Давлетов Евгений Олегович (Davletov Yevgeniy Olegovich)га оид чиқарилган жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2024 йил 8 октябрдаги ҳукми ҳамда шу ҳукмни ўзгаришсиз қолдирган Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 12 январдаги ажрими ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантirmасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: /имзо/ А.Рахимов

Ҳайъат судьялари: /имзо/ Д.Хонбўтаева

/имзо/ Ф.Раҳманов

Ажрим нусхаси, аслига тўғри

